O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 31 март, № 61 (3860) Жума

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ – СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.



СУРАТДА: давлат ташрифи пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга тўртинчи сафари бўлди. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Жанубий Корея раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар билан якунланганлиги икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолат беради. Шу маънода, Ислом Каримовнинг Сеулга бу галги сафарини Тошкент музокараларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Президентлар аввал яккамаякка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар. Но Му Хён ўзининг Тошкентга сафарини ёдга олиб, меҳмондўстлик ва самимий муносабат учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат ташриф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март куни Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари — Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ишбилармон доираларнинг йирик вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди. Алоқаларнинг янги йўналишларини очиш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш парламент Спикери билан суҳбатнинг бош мавзуи бўлди. Ким Вон Ки билан мулоқотда Ислом Каримов келгусида бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига муносиб бўлишига ишонч билдирди. Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб, Корея парламентарийларини ўзаро тажриба ва ахборот алмашувни кучайтиришга даъват қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилгани муносабати билан бу ўринда мазкур воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларига тўхталиш жоиз. Одатда сиёсий алоқаларга асосан, халқаро муаммоларга қарашлар уйғунлиги ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Ўзбекистон билан Жанубий Корея халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр. Бу Сеул музокараларида яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Шу кунларда Сеул сиёсий доираларида мамнуният билан қайта-қайта тилга олинган мавзу — Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Бу хусусда кўп мисол келтириш мумкин: 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмитага ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзолигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Тошкент Сеулнинг Корея яриморолида Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-Шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган "тинчлик ва фаровонлик" сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сиёсий ҳамкорликни белгиловчи яна бир бўғин — ҳарбий- техникавий соҳадаги алоқалар ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шериклларидан саналади ва бу борада Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида етакчи ўрин тутади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси маҳсулотларининг бозори чаққон. Россияда "ЎзДЭУавто" автомобиллари энг кўп сотиладиган хориж автомашиналаридан саналади.

Корея Республикаси томонидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 77 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, икки юздан зиёд коллежни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Жанубий Корея «Эксимбанк»и томонидан берилган имтиёзли кредитлар "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида "Матиз" русумли автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (35,9 миллион доллар) ва ипак йигирувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш (2,5 миллион доллар) лойиҳаларига сарфланган.

Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали техникавий ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Жумладан, шу кунгача КОИКА дастурлари бўйича турли вазирлик ва идораларнинг 630 вакили малака оширди, Миллий жуғрофий ахборот тизими, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида электрон кутубхона барпо этилмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 138 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ- овқат ва енгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. Айни пайтда Жанубий Кореянинг 37 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.

Савдо-иқтисодий алоқаларга доир жорий масалаларни мунтазам муҳокама қилиб бориш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон қўмиталари тузилган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ривожида "Ўзбекистон-Корея Республикаси" дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш учун 1992 йили Тошкентда ташкил этилган Корейс таълим маркази муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида «Кореяшунослик» кафедралари ташкил этилган, 112 мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатида

Кун тартибида:

фермерлар фаолияти

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда "Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш — қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш гарови: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида семинар ташкил этди. Унда сенаторлар, қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарни мазкур қўмита раиси F. Алиев кириш сўзи билан очиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш вазифалари, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди. Таъбир жоиз бўлса, иқтисодий ислоҳотлар самараси, айниқса фермерлик ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда, деб таъкидлади у.

Тадбирга таклиф этилган мутахассислар, жумладан, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. Қобилов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори А. Хоназаровнинг қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг тутган ўрни ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш асослари тўғрисидаги маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришнинг асосий омили фермер хўжаликларини ривожлантиришга боғлиқ. Шундай экан, фермерларнинг ҳуқуқий эркинлигини ҳимоя қилиш учун жойларда ўқув семинарлари ташкил этиш керак. Чунки фермер бир вақтнинг ўзида яхши деҳқон ёки чорвадор бўлиши билан бирга яхши иқтисодчи, ўзи етиштирган маҳсулотни кимга, қандай сотишни билиши ҳам лозим.

Шунингдек, семинарда фермер хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланишда ижара муносабатлари, ер қонунчилигини такомиллаштиришдаги муаммолар ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Фермерлар фаолиятини яхшилаш борасида кенг имкониятлар яратиш бўйича амалий тавсия ва таклифлар берилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Аксилтеррор тузилма кенгашининг мажлиси

29 март куни Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон вакиллари Кенгашнинг бултур Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси қарорларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. МАТТнинг бугунги кундаги фаолияти, жумладан, унинг ижроия қўмитаси фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда ташкилий-кадрлар билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда ШҲТ га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши МАТТнинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузасининг лойиҳаси ҳамда «2007-2009 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури» лойиҳасини маъқуллади.

МАТТ Кенгаши аъзолари жорий йил март ойида Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатларнинг «Шарқ-антитеррор — 2006» қўшма аксилтеррор машқлари якунларини муҳокама этдилар. Шу йил иккинчи ярмида ШҲТ га аъзо давлатлар ваколатли идораларининг қўшма аксилтеррор машқларини ХХР ҳудудида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Хитой томонининг терроризмни молиялаштириш билан боғланган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳаракат қилиш бўйича ШҲТ доирасида симпозиум ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Кенгаш ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аксилтеррор қўмитаси ўртасидаги меморандум лойиҳасини тайёрлаш вазифасини МАТТ Ижроия қўмитасига топширди.

МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2006 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

МАТТ Кенгаши раиси Мэн Хунвэй мажлис ишининг якунлари юзасидан сўзлар экан, унинг юксак самарадорлигини қайд этган ҳолда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматлари амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишда Минтақавий аксилтеррор тузилманинг аҳамияти ўсиб бораётганини таъкидлади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА.

БОЛАЛАР СПОРТИ ИНШООТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Кейинги уч йил мобайнида Бухоро вилоятида 10 та болалар спорти мажмуаси қад ростлади.

Лойиҳачилар буюртмачи таклифи асосида, ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, аксарият объектлар тарҳига зарур ўзгартиришлар киритди. Шу тариқа иншоотлар ўлчами, улардан фойдаланиш имкониятларинг кенгайтирилди.

Бухорода бўлиб ўтган болалар спорт иншоотларини қуриш, жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган республика минтақавий семинарида бу тажриба алоҳида эътироф этилди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари филиаллари ижрочи директорлари, ягона буюртмачи хизмати инжинеринг компаниялари, пудрат ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда спорт иншоотларини намунавий лойиҳа асосида, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда барпо этиш, қурилишда қатъий техник назоратни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари вилоят марказидаги спорт иншоотлари, Ромитан, Пешку, Шофиркон, Ғиждувон, Вобкент туманларидаги болалар спорти мажмуалари, бадиий гимнастика саройлари қурилиши ва фаолияти билан танишдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова ва Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов қатнашди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.

Майдон узра мағрур юртим алплари

Кеча Чирчиқ шаҳрида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича иккинчи «Умумармия ўйинлари» тантанали равишда очилди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан асос солинган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» орасида ўзига хос ўрин тутадиган Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича «Умумармия ўйинлари» Ватан ҳимоясидаги алпларимизнинг қалбларида жасорат, матонат туйғуларини уйғотади. Бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган биринчи «Умумармия ўйинлари» ҳарбий спортчиларимиз ҳаётида воқеа сифатида тарих саҳифаларидан жой олганди. Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда жисмоний маҳоратни ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт майдончалари бунёд этилмоқда. «Умумармия ўйинлари» ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва уларнинг жанговар шайлигида муҳим бўғин ҳисобланади. Чунки фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган пасбон барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

...30 март, соат 16.00. Чирчиқ шаҳридаги «Сплав» стадиони байрамона безатилган. Буни қарангки, спорт байрамининг очилишига нафақат ҳарбийлар, балки уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам келишган. Ҳатто нуроний онахон, отахонларга кўзимиз тушди. Бу спортга, соғлом турмуш тарзига халқимизда бўлган юксак эътибордан, қолаверса, миллий армиямизга, унда кечаётган ислоҳотларга бўлган улкан қизиқишдан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ – СТРАТЕГИК ҲАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Корея Республикасини ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришга ундайди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу вазиятда тараққиёт қонуниятлари ўртага чиқади.

Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармоя, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. «Ўзбекнефтгаз» билан «КОГАЗ» компанияси ўртасида Уст-Юртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйича тузилган ҳужжатга биноан, газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар миқдорида сармоя киритилади. «Ўз-Корес майнинг» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Эксчейнжбанк» ўртасида тузилган кредит битими — 20 миллион доллар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея «Эксимбанк»и ўртасида тузилган умумий таълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги битим — 30 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда айтган сўзларининг ёрқин тасдиғидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, икки томон ҳам бир масалани теран ҳис этади: стратегик ҳамкорлик шунчаки декларация билан қарор топмайди, бунинг учун имконият бўлган тақдирда ҳам, барибир, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асос тайёрлаш, икки томон салоҳиятини имкон қадар тўлиқ ишга солиш йўлларини очиш зарур. Шу маънода, Сеул саммитини катта тарихий ташаббуснинг рўёбга чиқиши, деб баҳолаш мумкин.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам самарали учрашувларга бой бўлди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Мунни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Корея Республикасининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига ва кўпгина халқаро муаммоларга нисбатан қарашлари ўхшаш эканлиги таъкидланди. БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси номзоди Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватлангани учун Бан Ки Мун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Хан Док Суни ҳам қабул қилди. Мулоқотда ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримовнинг Сеул мэриясидаги учрашуви яна бир тантанага сабаб бўлди. Корея Республикаси пойтахтининг мэри Ли Мёнг Бэк Ўзбекистон Президентини "Сеулнинг фахрий фуқароси" деб эълон қилди. Ушбу воқеага бағишланган маросимда Ўзбекистон ва Корея халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, Тошкент билан Сеул ўртасида биродарлик ришталарини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ислом Каримов шундай шарафга сазовор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф арафасида Сеулда Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китоби корейс тилида чоп этилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди.

Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорликни янги поғонага кўтариш имкониятларини очгани, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатлари расмийлаштирилгани ва бу муносабатларни мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асос билан таъминлагани билан тарихга кириши, шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Сеул-Тошкент.

Корейсча таом, ўзбекча эҳтиром

Ўзбек халқи азалдан ўзининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги билан ҳурмат қозониб келган. Бугунги кунда ҳам юртимизда миллатлараро тотувлик тўла таъминланганлигини фахр ила тилга олиш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган кўп сонли корейсларнинг ўз миллий анъаналари, маданиятини намоён этиш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган.

Ҳозир пойтахтимизда ўндан ортиқ корейс ошхоналари фаолият юритаётгани ҳам бунга мисол бўла олади. Уларда таомлар корейсча рецепт асосида тайёрланса-да, кўп жиҳатдан ўзбек таомларига ўхшаб кетар экан. Шу боис кўплаб корейсча овқатларнинг номи бугун юртдошларимизга ҳам яхши таниш. "Мидори" деб номланган ошхонада бўлганимизда, бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Корейслар таом тайёрлашда ўзбеклар сингари сабзавот ва дон маҳсулотларидан кенг фойдаланишади. Шунингдек, тухум, гўшт ва денгиз неъматларини севиб истеъмол қилишади.

— Корейслар овқатнинг мазали бўлиши билан бирга фойдалилигига ҳам алоҳида эътибор қаратишади, — дейди ошпаз Наташа Ан. — Масалан, табиий шарбатлар, кўкат ва қайнатилган таомлар инсоннинг тетик ва соғлом бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Бугун нафақат корейс миллатига мансуб юртдошларимиз, балки кореялик меҳмонлар ҳам пойтахтимизда яратилган бундай шароитдан мамнун. Ошпазларнинг айтишича, айниқса, гуручли таомлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бироқ меҳмонлар ўзбекона паловхонтўрани алоҳида яхши кўришади.

Анвар САМАДОВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ (сурат),
"Халқ сўзи" мухбирлари.

Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати» кунлари давом этмоқда



Халқимизнинг боқий байрами — Наврўз айёмида кўҳна Самарқандда ташкил этилган «Ўзбек миллий кино санъати» кунлари шаҳар аҳли ва меҳмонлар томонидан завқ-шавқ ила кутиб олинди. Икки кундирки, шаҳар кинотеатрларида ўзбек киноижодкорлари томонидан кейинги йилларда яратилган энг сара фильмлар намойиш этилмоқда.

Экранда ва юзма-юз

Жойларда муаллифлар, актёрлар ҳамда таниқли санъаткорлар билан қизиқарли учрашувлар давом этмоқда. Жумладан, «Шарқ юлдузи» киносаройида бўлиб ўтган мулоқотда ижодкорлар мухлисларга ўзбек миллий киносининг мустақиллик давридаги ютуқлари ҳамда ўзларининг келгусидаги режалари ҳақида гапириб беришди.

— Зукко томошабинларнинг самимий фикрлари келгусида яратиладиган асарларимизнинг янада сермазмун чиқишига замин яратади, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова. — Етти иқлимга донғи кетган Самарқанддек азим шаҳарда мухлислар билан дийдорлашув бизни янгиянги зафарларга ундайди.

— Очиғи, кейинги пайтларда хорижий фильмлар томошабинни зериктириб қўйди, унинг маънавий дунёсига гоҳо салбий таъсир кўрсатди, — дея дил сўзларини баён қилди кинорежиссёр Исамат Эргашев. — Сабаби, бундай фильмларнинг аксарияти турли иллатлар, турмушимизга ёт ғояларни тарғиб этмоқда. Ана шундай шароитда ҳар жиҳатдан миллийлигимиз, урф-одатларимизни тараннум этувчи ўзбек кинофильмлари ниҳоятда зарур. Томошабинлар айнан шундай фильмларга муштоқ.

Кино санъати байрамининг дастлабки кунида «Шарқ юлдузи» киносаройи, «Самарқанд» кинотеатри ва «Шарқ» клубида намойиш этилган «Келгинди куёв», «Авлоддан авлодга», «Орзу ортида», «Ўйин», «Эркак», «Кичик роллар қироли» каби бадиий ва ҳужжатли фильмлар мухлислар томонидан илиқ қарши олинди.

30 мартнинг эрта тонгида киноижодкорлар соҳибқирон Амир Темур ва ўзбек шеъриятининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гуллар қўйишди. Шундан сўнг улар шаҳардаги «Кинап» ҳиссадорлик жамияти, иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей, кооператив ва тижорат касб-ҳунар коллежи жамоалари ҳузурида бўлишди.

Тадбирнинг расмий очилиш маросими «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтди. Унда вилоят санъаткорлари томонидан катта концерт намойиш этилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновнинг қутлов сўзлари, тадбир ташкилотчиларининг чиқишлари мухлислар қалбига қувонч бахш этди.

Эртага ўзбек киноижодкорлари туманларга, меҳнаткашлар ҳузурига йўл оладилар.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шифокорлар байрам қилишди

Наврўз — қадимий ва халқчил айём. Шу туфайли у азал-азалдан халқ сайли сифатида кенг нишонлаб келинган. Аждодлардан мерос бундай қутлуғ анъаналар бугунги кунда янада сайқалланиб, қадр топаяпти. Буни жойларда давом этаётган байрам тантаналари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Куни кеча республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказида баҳор айёми муносабати билан Наврўз дастурхони ёзилди. Нуфузли тиббий муассасанинг уч минг нафарга яқин ходими, марказнинг жойлардаги филиаллари вакиллари, шунингдек, бир қатор шифо масканларидан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида ўтган тадбир Наврўзнинг дил-дилларга синггиб кетган айём эканлигини яна бир карра намоён этди.

Кези келганда, айтиш лозимки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар туфайли бир қанча сиҳатгоҳлар, илмий шифо масканлари ишга туширилаяпти. Мазкур марказ ҳам ана шундай изчил ислоҳотлар мевасидир. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган ушбу муҳташам марказда минглаб юртдошларимизга юксак, тезкор тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар мавжуд. Марказда бир йилда 530 минг кишига муқим, 740 минг кишига эса амбулатория шароитида тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Биргина 2005 йилда бу ерда 34 минг нафар киши ётиб даволанган бўлса, 8 минг киши жарроҳлик операциясидан муваффақиятли чиқди.

— Бу ерда беморларга шошилинч тиббий ёрдам бериш учун барча шарт-шароит мавжуд, — дейди марказ директори Юсуф Маликов. — Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида олий тоифали, малакали шифокорлар қўлида шифо топган кишиларнинг қувончини кўриш катта шараф. Наврўз баҳона айтишни истардимки, "Сиҳат-саломатлик йили"да амалга оширилган ишларимиз, биз, шифокорларни яна бир карра қўллаб-қувватловчи "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳам давом этади

Тадбир давомида алоҳида намуна кўрсатган шифокорларга совға-саломлар улашилди, эсдалик ҳадялари топширилди. Юртимизнинг таниқли санъаткорлари чиқишлари эса байрамга янада файз ва шукуҳ бағишлади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Майдон узра мағрур юртим алплари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мудофаа вазирлигининг алоҳида намунали кўргазмали оркестри ижросидаги марш мусиқаси садолари остида стадионга байроқдорлар кириб келишди. Шундан сўнг майдонда Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича иккинчи «Умумармия ўйинлари» иштирокчилари – 14 та жамоа вакиллари саф тортишди. Улар орасида кўплаб машҳур ҳарбий спортчилар, биринчи «Умумармия ўйинлари» чемпионлари бор. Ўғлонларимиз янада чиниқишган, янада баркамоллашган. Демак, спортда янги-янги чўққилар забт этилажак. Мана, стадионга Давлатимиз ва «Умумармия ўйинлари»нинг байроқлари олиб кирилмоқда.

Давлатимиз ва «Умумармия ўйинлари» байроқлари кўтарилиб, Мадҳиямиз янгради.

Тадбирда сўзга чиққан мудофаа вазири Р.Мирзаев иштирокчиларни спорт байрами билан табриклади.

Иккинчи «Умумармия ўйинлари» финалига етиб келишган марду майдон ўғлонларимиз марш садолари остида шаҳдам қадамлар билан стадионни тарк этишганидан сўнг Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортчиларининг кўргазмали чиқишлари, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда мамлакатимиз эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

9 апрелгача давом этадиган мусобақада иштирокчилар миллий кураш, волейбол, енгил атлетика, офицерлар учкураши, ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш, тош кўтариш ва ҳарбий учкураш бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказадилар.

Алижон САФАРОВ,
майор.
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қозон ҳам мой, чўмич ҳам

гузардаги маҳалладошлар Президент қарори ижросини шундай тасаввур қилишди

Инсон табиатан янгиликка ташна бўлади. Шунинг учун қўни-қўшни ёки танишлар бир-бири билан учрашиб қолса, саломаликдан сўнг «Нима янгиликлар бор?» деб сўрайди. Кеча ҳам шундай бўлди. Абдуҳаким кечга яқин гузарга кирганда айнан чойхўрлар гурунги устидан чиқди. Маҳалланинг доимий ахборотчиси Ботиржон даврага келиши билан ўтирганларда жонланиш бўлди.

— Ука, ҳали қулоғингни қизитиб ўтиргандик, айни пайтда келдинг-да. Қани, гапир, дунёда нима гаплар?

Ботиржон маҳалладошларига жуда муҳим янгилик ҳақида гапирмоқчи бўлаётгани оғиз жуфтлашидан сезилиб турарди. Секин қўйнига солиб чиққан газетани қўлига олиб, сўз бошлади:

— Мана бу газетада Президентимизнинг жуда муҳим қарори чоп этилибди. Ундаги гаплар сизга, менга — ҳаммамизга тегишли.

— Хўш, нималар дейилган ўша қарорда? — сабрсизлик билан сўради Мусурмонқул ота.

— Кўп гаплар айтилган. Бу қарор хонадонда, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини боқиш, натижада арзон гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш тўғрисида.

Ўрта ёшлардаги Нормурод Ботиржоннинг сўзини бўлди:

— Яхши гап экан-у, лекин мол боққан одам бошқа ишлардан чалғийди-да...

— Ака, буёғини эшитинг. Энди ким уйида ёки деҳқон хўжалигида чорва билан шуғулланса, етиштирган маҳсулотни ўзи бола-чақаси билан ейдими, олиб чиқиб сотадими, ундан қатъи назар, муқим бир ишда ишлаётган ҳисобланади. Ҳар ойда белгиланган суғурта бадалларини тўлаб борса, кейинчалик пенсиясини ҳам расмийлаштириб олади.

— Булар яхши, лекин мол бозорида бир бош қорамолнинг нархи фалон пул. Сармояни қаердан оламиз?

— Худди шу қарорда саволингизга жавоб бор. Қорамол сотиб олиш учун имтиёзли ва мақсадли микрокредитлар берилади.

Долзарб мавзуда гурунг

— Шундай борсак, беравердимми?

— Албатта, кредит учун кафолат керак. Бу ҳужжатни маҳалланинг ўзидан олиш мумкин.

— Қойил, демак, маҳалла қўмитасининг обрўйи янаям баланд бўларкан-да...

— Кучли жамият шунақа бўлади! Нега деганда, ҳеч ким маҳалла аҳлининг кўзини шамғалат қилолмайди. Маҳалла ҳам кимнинг қанақалигини шундоққина билади.

— Гапларинг тўғри. Қўли калта, бели бақувват бўлмаган оилалар қандай қилади? Бу ҳақда гап йўқми?

— Мана шуни айтай десам, гапни чалғитяпсизлар, — деди Ботиржон. — Президентимиз топшириғига биноан битта туманда камида 100-200 хонадонга бепул сигир берилади. Ўзбекистон бўйича 20 минг бошдан зиёд сигирни одамларга беришнинг ўзи бўладими?!

— Тўхтанглар. Бўш қоп тик турмайди. Мунча жониворни боқиш учун емиш керак. Яна бозорга бориладими? — Нормуроднинг бу саволидан кейин ҳамма Ботиржонга қаради.

— Бу томони ҳам ҳисобга олинган, — бийрон гапга тушди Ботиржон. — Ҳозир республика бўйича жами 113 та омухта ем сотадиган пункт мавжуд бўлса, шу йил яна 110 та, келгуси йил 149 та қўшилади, қисқаси, 2010 йилга бориб, жами 773 та пункт аҳолига ем тарқатади.

— Қаранг, давлатимиз халқ ҳаётини яхшилаш учун шундай жон куйдирган бир пайтда бунга биз ҳам муносиб жавоб қилишимиз керак, — кўпчиликнинг кўнглидаги гапни айтди Мусурмонқул ота.

— Ҳа, айтгандай, Президентимиз шу ишларни амалга ошириш учун ҳокимларни шахсан масъул қилиб белгилабдилар. Демак, кўп яхши ишлар бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йили шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 6 млн. 27 минг ҳомийлар ва шифокорлар йилидаги яна бир савоб иш бу. Ҳа, энди, ҳомийлар қўлидан сигир олган оилалар ҳам қараб ўтирмас, ўша молни кўпайтириш пайидан бўлар.

— Албатта, фақат бу ғамхўрликни қадрлаш керак, — деб сўз қўшди Мусурмонқул ота. — Хайриятга берилган сигирни бир-икки кундан сўнг бозорга олиб чиқиш инсофдан бўлмас.

— Яна бир гап, — маҳалла ахборотчиси қарорни шарҳлашда давом этди. — Бу савоб ишлар йўлга қўйилиши ҳамоно зооветеринария ва сунъий қочириш пунктлари сони ошиб боради. Айтайлик, беш йилда зооветеринария пунктлари сони 1768 тадан 2343 тага етказилади.



500 бош қорамол боқилган бўлса, бу рақам ҳар йили ошиб-ошиб, беш йилда 8 млн. 450 минг бошга етади. Қорамол боққан фермер хўжалиги 7995 тадан 11.100 тага етади. Булар амалга ошса, гўшт, сут кўпайиб, аҳоли даромадларига барака киради. Қолаверса, ўз меҳнатинг билан қўлга киритилган неъматнинг лаззати бошқача бўлади-да.

Ўтирганларнинг димоғи чоғ бўлди. Шунча ишлар халқни деб, халқнинг яхши яшаши учун белгиланибди. Бундан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Шундай ўлкада яшаш, унга муносиб бўлиш ҳар бир инсоннинг дилида ажиб туйғуни жўш урдирарди.

Ш. ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эришилган натижаларга холис ва оқилона баҳо берилиб, демократик янгиланиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилганлиги алоҳида таъкидланди.

Эътироф этиш жоизки, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасидаги бундай салмоқли ютуқларда йил сайин ривожланиб, такомиллашиб бораётган банк тизимининг ҳам ҳиссаси каттадир.

«ПАХТАБАНК»:

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Иқтисодий салоҳият имкониятлари

Хусусан, бугунги кунда «Пахтабанк» республика иқтисодиётининг қон томири ҳисобланувчи тижорат банклари сафидан ўзига мос ўринни эгаллаб, ҳар жиҳатдан энг салоҳиятли молия институтларидан бирига айланди. Яъни дастлаб фақат қишлоқ хўжалик соҳасини қўллаб-қувватлашга ихтисослашган бу банк эндиликда мамлакатнинг бутун аграр секторини кредитлайдиган ва молиялаштирадиган универсал банк сифатида катта имкониятларга эга бўлди. Мисолларга мурожаат этайлик.

Кейинги йиллар давомида «Пахтабанк» мамлакат қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштиришга салмоқли амалий ҳисса қўшиш билан бирга ўзининг ташкилий тузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, хизмат кўламини кенгайтириш, банк фаолияти стратегиясини жаҳон андозалари даражасига кўтариш ва молиявий барқарорликни таъминлаш борасида катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Айниқса, 2005 йил бутун республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бўлгани каби, акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и фаолиятида ҳам катта из қолдирди. Республика қишлоқ хўжалигида давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштиришда кўлга киритилган ютуқларда банк ходимларининг хизмати шундан далолат беради.

Ҳозирги кунда «Пахтабанк»нинг 12 та вилоят бошқармаси ва уларнинг таркибига кирувчи 183 та ҳудудий филиаллар, шунингдек, жойларда очилган 618 та мини банкларидан иборат бутун бир тизим турли мулк шаклидаги 132 мингдан кўпроқ юридик ҳамда 260 мингдан зиёд жисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатиб келмоқда. Ўтган даврда банк бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ягона ахборотлар базасини шакллантириш, тўловлар ўтишини тезлаштириш орқали мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида амалдаги электрон тўлов тизими кенгайтирилиб мукаммаллаштирилди. Жумладан, банкда ягона вакиллик ҳисобварағи орқали тўловлар тизими ташкил этилганлиги банкнинг актив ва пассивларини самарали бошқариш, мавжуд активлар миқдорини мақбул даражада сақлаш ва тўловларда узилишларга йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунга келиб, «Пахтабанк»нинг жами активлари 347,8 миллиард сўмга етиб, у ўтган йилдагига нисбатан 1,45 мартага ўсди. Даромад келтирувчи активлар 2005 йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 1,4 мартага ўсишига эришилди.

Эндиликда банкнинг шакллантирилган жамланма капитали миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган ҳамда хорижий банклар билан имзоланган кредит шартномаларида акс эттирилган иқтисодий меъёр ва талабларга тўла жавоб беради. Чунончи, капиталнинг етарлилик коэффициенти бўйича энг кам меъёр 10 фоиз даражасида ўрнатилгани ҳолда, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, капиталнинг таваккалчиликка тортилган активларга нисбатан 21,4 фоизни ташкил этди. Бу эса яқин келажакда банк томонидан активлар ва пассивлар миқдорини янада ошириш имконини беради.

Қувонарлиси, 2005 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси «Ахбор-Рейтинг» банклараро рейтинг компанияси томонидан ўтказилган рейтинг натижалари бўйича «Пахтабанк» барча тижорат банклари орасида энг юқори кўрсаткичга эришди. Ушбу рейтингда республиканинг 23 та тижорат банки қатнашиб, бунда асосан банкларнинг капитали етарлилиги, активлар сифати ва ликвидлилик даражаси кўрсаткичлари таққосланди.

«Пахтабанк»нинг бугунги иқтисодий салоҳиятини ва тижорат банклари ўртасидаги мавқеини акс эттирадиган рақам ва далилларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мисол учун, банк акиядорларининг 2005 йил апрелдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилишида банк устав капитали 13.5 миллиард сўм миқдорида эълон қилинган эди. Шундан сўнг банкнинг 500 миллион сўмлик ўнинчи эмиссия акциялари муомалага чиқарилиб, йил давомида тўлиқ жойлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган. Бу ҳол «Пахтабанк»нинг мамлакатдаги энг ишончли акциядорлик банки эканлигини билдиради. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк акциядорлари 77.494 нафарга етганлиги уларнинг 20.524 нафари юридик ва 56.970 нафари жисмоний шахс ҳамда хусусий тадбиркорлар эканлиги ушбу фикрнинг тасдиғидир.

2005 йилда, шунингдек, банк инвестиция сиёсатини ўз активларини сифат жиҳатидан яхшилаш, уларнинг мақбул даражадаги таваккалчилик ва ликвидлилигини таъминлаш, инвестициялар портфелини самарали бошқариш ҳамда банкнинг потенциал даромадини ошириш тамойиллари асосида олиб борди. Натижада банкнинг жами қимматли қоғозлар портфели, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 6111 миллион сўмга етди.

«Пахтабанк» ўтган йил давомида давлат қимматли қоғозлари билан олди-сотди операцияларини ҳам фаол амалга оширди. Жумладан, давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) бозорида бирламчи дилер сифатида фаол қатнашди. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг ДҚМОлари портфели 1.745,6 млн. сўмдан ортди.

Инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда банкнинг даромадлилиги ва устав капиталини кўпайтириш мақсадида эса 2006 йилда банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини XI-эмиссия акцияларини муомалага чиқариш ва йил давомида уларни тўла жойлаштириш, қимматли қоғозлар портфелини уларнинг турлари бўйича ликвидлилиги ва даромадлигини ҳисобга олган ҳолда диверсификациялаш йўли билан ривожлантириш режалаштирилган.

Асосий маблағ – қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга

Маълумки, «Пахтабанк» республика иқтисодиётининг устувор соҳаси — қишлоқ хўжалигида кенг кўламда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари жараёнида ҳал қилувчи молиявий институт вазифасини ўтамоқда. Бунда, айниқса, унинг республика қишлоқ хўжалигининг эртанги равнақини таъминлайдиган фермерлик ҳаракати ривожига қўшаётган амалий ҳиссаси беқиёсдир.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши бўлган фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга эътибор кескин кучайтирилгани самараси ўлароқ, бугун мамлакатнинг 1 миллиондан зиёд фуқароси айнан шу тармоқда муҳим иш ўрни ва доимий даромад манбаи билан таъминланган. Шу боис эндиликда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган ғалла ва пахтанинг 65 фоизигача миқдори улар томонидан етиштирилмоқда. Бундай даражага эришишда «Пахтабанк»нинг ҳам хизмати катта, албатта.

Одатдагидек, 2005 йилда ҳам банк асосий эътиборни фермер хўжаликларини янада жадал ривожлантириш, уларнинг ерга эгалик ҳуқуқларини қонуний таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов идоралари билан тузган шартномаларини тўла бажаришлари, моддий ресурслар ва маблағлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш тамойилларини такомиллаштиришга қаратди. Бунда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш ҳаражатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тўғрисидаги низом»га мувофиқ, амалдаги тартиб-қоидаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга риоя қилган ҳолда, жумладан, имтиёзли кредит беришнинг ойлик меъёрлари бекор қилиниб, кредитларни агротехника тадбирларининг мавсумий муддатларидан келиб чиқиб, учтўрт даврга бўлиб ажратиб бориш тартиби ўрнатилди. Бундан ташқари, республика Молия вазирлиги қошидаги Давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан кредит ресурсларини ойига икки марта ажратиш йўлга қўйилди.

Банкнинг якунланган йилда амалга оширган хайрли ишларидан яна бири шуки, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахтани етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарларига мўлжалланган услубий қўлланма тайёрланиб, улар банкнинг барча филиалларига етказилди. Бу қўлланмада пахта ва ғалла етиштириш юзасидан контрактация шартномаларини тузиш, томонларнинг шартнома шартларини бажаришга оид жавобгарликлари, эканлиги парваришига сарфланадиган харажат ва олинадиган даромадларни режалаштириш, имтиёзли кредит олиш ва бўлғуси ҳосилни сўғурталаш тартиблари содда ва

лўнда қилиб баён этилган.

Кредитлашнинг ана шу янгича тамойиллари асосида ўтган йили ғалла ва пахта етиштириш харажатлари учун жами 225 миллиард 618 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кредит буюртмаларида кўрсатилган мақсадларга сарфланиши банк томонидан таъминлаб борилгани натижасида ажратилган кредитлар муддатидан олдин сўндирилиб, Молия вазирлиги қошидаги Жамғармадан олинган ресурс маблағлари тўлиқ қайтарилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу янгича тамойил қишлоқ хўжалиги корхоналарини тайёрлов ташкилотлари орқали кўплаб траншлар йўналтириш орқали бўнаклашга нисбатан қатор афзалликларга эга эканлиги амалда исботланди. Бу нималарда кўринади? Аввало, қишлоқ хўжалик корхоналари энди керакли сарф-харажатлар учун ўзлари буюртма бериб, эркин кредит олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Иккинчидан, корхона раҳбарлари маблағлар кредит сифатида берилаётганлиги туфайли улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш учун масъул ва жавобгар эканликларини ҳис қилдилар. Шу боис давлат эҳтиёжлари учун ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларига ажратилган имтиёзли кредитлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилди.

«Пахтабанк» ҳозирда қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника воситалар ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжларини ҳам ўз ресурслари ҳисобидан қондириш салоҳиятига эга. Масалан, 2005 йилда банк қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга техника ва эҳтиёт қисмлар учун ўз ресурсларидан 34,6 миллиард сўм кредит ажратди. Бу маблағнинг асосий қисми ҳайдов ва чопиқ тракторлари, уларга эҳтиёт қисмлар ва культиваторлар сотиб олишга йўналтирилди.

Банк томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг хизмати кўрсатиш даражаси эса 2005 йилнинг ўзида 2,8 баравар ўсди. 61 та ширкат ва 211 та фермер хўжалигига «Клаас», «Доминатор», «ДОН-1500Б», «Енисей», «Нива-Эффект» русумли дон комбайнлари, «ТТЗ», «ВТ-150», «ДТ-75», «Олтой» тракторларини харид қилиш учун лизинг усулида ёрдам берилди.

Республика Президенти ва ҳукуматининг паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиб, улар негизида мустақил фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги Фармон ва қарорларининг ижросини таъминлашда ҳам «Пахтабанк» бевосита ва фаол иштирок этмоқда. Зеро, янги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тезроқ шаклланиб, оёққа туриш жараёнида малакали банк хизматига муҳтож бўлади. Шуни ҳисобга олиб, банк собиқ ширкат хўжаликлари ҳудудида қўшимча 140 та мини банк очиб, уларни ишга туширди.

Мини банкларни кўпайтириш билан боғлиқ ташкилий ишлар бу йил ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2006 йилда ташкил этилиши режалаштирилган мини банклар масаласи Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари, вилоят ҳамда туман ҳокимликлари ва қайта ташкил этиш комиссиялари иштирокида атрофлича муҳокама этилиб, пухта тайёрланган ҳужжатлар эса Марказий банк ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Гап шундаки, республика Президентининг «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, бу йил жами 447 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида юридик мақомга эга бўлган фермер хўжаликлари ташкил этилади. Шу муносабат билан «Пахтабанк» тизимида режа-жадвал бўйича 150 та мини банк очиш режалаштирилган. Ўз вақтида ана шу мини банклар учун тугатилган хўжаликларнинг биноларидан хоналар ажратилгани, зарурий жиҳоз ва оргтехникалар билан таъминланиб, тайёр ҳолга келтирилгани туфайли ҳозир ҳаммаси тўлиқ фаолият кўрсатаяти. Шундай қилиб, банк тизимидаги жами мини банклар 618 тага етказилди.

Кичик бизнесни қўллаш – истиқболни кўзлаш

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 76 фоизини, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли ҳаммасини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётгани айтилди.

— Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Бу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, 2005 йилда кичик бизнес объектлари 31,5 тага кўпайиб, жами 310 мингтадан ошди. Фақат кичик бизнеснинг ўзи ялпи ички маҳсулотнинг 38,2 фоизини етказиб бермоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи ҳам шу соҳада фаолият юритаётир.

Бундай ижобий натижаларга табиийки, иқтисодиётнинг бу сектори учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор ва барқарор қулайликлар яратиш, кенг кўламда имтиёзлар бериш билан бирга уни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида республика тижорат банклари тизими, хусусан, «Пахтабанк»нинг молиявий ёрдами ҳам катта бўлмоқда.

Бир мисол. Банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес субъектлари сони 2005 йил давомида 22.525 тага кўпайиб, жами 105733 тага етди. Уларга барча молиялаш манбаларидан 48,6 миллиард сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағнинг 36,6 миллиард сўми ёки 75 фоиздан кўпроғи банкнинг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келди. Йил давомида эса кичик бизнес субъектларининг 10.554 та лойиҳаси молиялаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларидан самарали фойдаланишлари учун янада кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадида эса қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳаракатлари ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш мақсадида имзоланган кредит шартномасига мувофиқ, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 2.290 минг АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Ушбу кредит линиясини янада кенгайтириш учун банкнинг Ғиждувон, Денов, Каттақўрғон ва Ургут туманлари филиалларида микрокредитлаш бўлимлари очилди. Шу билан бирга, Осиё Тараққиёт банки билан микромолиялаштиришни ривожлантириш мақсадида 7,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси ҳам имзоланган эди. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, бу маблағнинг 5,6 миллион АҚШ доллари ҳам тўлиқ ўзлаштирилди.

Банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ажратилаётган кредитлар ҳисобига қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари очилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2005 йил давомида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобига 16.677 та янги иш ўринлари яратилди. Ана шу кредит маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш эвазига жами 15,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу 2005 йилнинг 1 январидаги кўрсаткичга нисбатан 44 фоиз кўпдир.

Ҳаракатдаги маблағ – даромад манбаи

Агар банк тизими мамлакат иқтисодиётининг қон томири бўлса, унда оқадиган қон пул маблағидир. Демак, мавжуд пул массаси фақат банк орқали қанчалик тўлиқ ва барқарор айланса, давлатнинг иқтисодий салоҳияти шунчалик мустаҳкамланиб, мамлакатда ҳаёт фаровонлашиб бораверади. Зеро, пул маблағлари банк тизими орқали барқарор ҳаракатда бўлса, уларни иқтисодиётнинг исталган соҳасига исталган вақтда ва зарур миқдорда йўналтириш имкониятлари ҳам доимо мавжуд бўлади. Бу эса, ишлаб чиқаришни барқарор бошқариш, изчил ривожлантириш, кенгайтириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ушбу қарорнинг муваффақиятли ижроси эса республика тижорат банклари саъй-ҳаракатларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни ҳисобга олган «Пахтабанк» раҳбарияти, аввало, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатлари ва жамғармаларига жалб қилишнинг ҳар томонлама фойдали усулларини жорий этишга жиддий эътибор қаратмоқда. Натижада банкнинг ўз ресурслари базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Иккинчидан, жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва молиялаштиришга йўналтириб, ишлаб чиқаришни кенг кўламда қўллаб-қувватлашга эришилмоқда. Учинчидан эса, аҳоли ҳам бўш пул маблағларини банк омонатларида сақлаб, ўз даромадларини кўпайтириш имконига эга бўлмоқда.

Ҳозирги кунда банк тизимидаги омонатлар тури 21 тага етказилди. Юқори даромад тўланадиган «Саломатлик», «Мураббий», «Фаровонлик», «Кафолат», «Орзу», «Мўъжиза», «Имконият», «Обод юрт», «Хазина» омонат турлари аҳолига, айниқса, манзур бўлмоқда. «Маиший тўлов» омонат турининг жорий этилгани эса, мижозлар учун қўшимча даромаддан ташқари коммунал тўловларни тўлашда катта қулайлик ҳам яратди.

Банк томонидан депозит ҳамда фоиз сиёсати стратегияси тўғри танлангани боис омонатчилар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. 2006 йиль 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами омонатчилари 240 минг кишидан ошди. Улардан омонатларга жалб этилган маблағлар эса, 52,5 миллиард сўмга етди.

Пул маблағларини омонатларга жалб этишда аҳолининг банкка бўлган ишончи ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳақиқат. Бунга эришиш учун банк ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини тўла ва ўз вақтида бажариши, барқарор молиявий сиёсат юритиши лозим бўлади. «Пахтабанк»нинг айнан шу мақсадларга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари унинг республика депозит бозоридаги ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари доирасини муттасил кенгайтириб бориш учун ишончли замин яратмоқда.

Банкда ана шундай имкониятлар доирасида пухта шаклланиб, тобора кенг ривожланаётган янги йўналишлардан бири пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш тизимидир. Банкнинг пластик карточкага эга бўлган мижозлари, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 441.127 кишига етди.

Бугунги кунга келиб, республиканинг турли ҳудудларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида 1550 дан зиёд терминаллар ўрнатилган. Улар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилмоқда. Тасаввур ҳосил қилиш учун айтиш жоизки, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар ўтган бир йилнинг ўзида 5 баравар кўпайди.

2006 йилда савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида турли дисконт дастурларини жорий этиш, совғаларни топширувчи ютуқли схемалар, бонуслар ташкил қилиш йўли билан пластик карточка эгаларини рағбатлантириш, овердрафт кредитини кенгроқ қўллаш ҳам режалаштирилган.

Кадрлар малакаси – муваффақият омили

Ҳар қандай жамоанинг мавқеи ва нуфузини, иқтисодий салоҳиятини, аввало, у ерда меҳнат қилаётган кадрларнинг малакаси белгилайди. Банк соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг малака ва касб-маҳоратлари эса, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Шу боис «Пахтабанк» кадрлар сиёсатининг асосий мақсад-моҳияти банк фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қодир бўлган, бозор иқтисодиёти асослари ва замонавий банк амалиётларини пухта эгаллаган юқори малакали кадрларни шакллантириб боришдан иборатдир.

Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда асосий эътибор, биринчи навбатда, тизимда юзага келаётган муаммоларни ташаббускорлик билан ўз вақтида ҳал эта оладиган, бугунги кун талаблари асосида фикрлайдиган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаб боришга қаратилмоқда. Кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаб бориш мақсадида раҳбар лавозимларга тайинланадиган ходимлар заҳираси истиқболли ёш мутахассислар билан мунтазам тўлдириб борилмоқда. Масалан, 2005 йил давомида банк тизими бўйича 93 нафар ёш ходим раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Уларнинг аксарияти заҳира таркибидан олинди.

Ўтган йили, шунингдек, 1132 нафар банк ходими қайта тайёрлаш, малака ошириш ва тажриба алмашиш тадбирларида иштирок этди. Шундан 833 нафари раҳбар ва мутахассис ходимларидир. Касб малакасини ошириш тадбирларини республикада мавжуд бўлган ҳамда хорижий банкларнинг ўқув марказлари ва олий ўқув юртларида ўтказилди. Уларнинг асосий қисми республика Марказий банки ва Минтақавий банк, Германия, Хитой, Япония, Бельгия, Буюк Британия каби давлатлар банклари ва ўқув марказларида малака оширди.

Бундан ташқари, қобилиятли, билимга чанқоқ ёш ходимлар орасидан муносибларини танлаб олиб, республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, шу академия қошидаги Олий бизнес мактаби ва Банк-молия академиясида ўқитиш ҳам давом эттирилмоқда. Мисол учун, 2005 йилда 11 нафар ходим ушбу даргоҳда ўқишни якунлаган бўлса, 2005/2006 ўқув йилида 23 нафар ходим тингловчилар сафига қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида айни қизғин паллага кираётган кўкламги дала ишларини муваффақиятли амалга ошириш, айниқса, давлат эҳтиёжлари учун ҳарид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалланинг контрактация шартномаларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда етиштирилишини таъминлашга оид зарур вазифалар аниқ белгилаб берилди. Ушбу долзарб меҳнат жараёнида республика тижорат банклари ҳам фаол иштирок этиши лозим. Шунинг учун айни кунларда «Пахтабанк» ходимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ва фаолияти шу тармоқ билан боғлиқ бўлган барча қишлоқ инфратузилмаларини талаб даражасида кредитлаш ва молиялаштириш мақсадида мавжуд барча имкониятларни ишга солмоқда.

«Пахтабанк» матбуот хизмати.





«Афсонага айланган ном»

Ўзбек рақс санъати довруғини ёйишда Тамарахонимнинг хизмати катта. У миллий рақсимизнинг ривожланиши ва дунёга танилишига беқиёс ҳисса қўшган. Ижро этган рақслари эса халқимиз маънавиятининг олтин хазинасини янада бойитиб, ўзига хос рақс мактабини яратди.

Бу йил мана шу нафис истеъдод эгаси Тамарахоним таваллудига юз йил тўлади. Машҳур ўзбек санъаткорининг хотирасига бағишлаб турли кеча ва тадбирлар ташкил этилаётир. Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида уюштирилган "Афсонага айланган ном" деб номланган бадиий кўргазма ҳам айнан Тамарахоним хотирасига бағишланди. Унда раққосанинг ижодий фаолияти акс этган 60 га яқин суратлар ва бошқа ашёвий буюмлар намойиш этилмоқда. Кўргазмадан, шунингдек, Тамарахонимнинг бетакрор рақслари тасвирланган суратлар ҳам жой олган.

Қобил ХИДИРОВ.

Тасвирларда фасл ардоғи



Осойишта қишлоқ. Шиддат-ла шарқираётган анҳор бўйида бир киши уфқ томон боқиб, хаёл сурмоқда. Унинг ўй-хаёллари азим тоғлар оша олис-олисларда кезяпти. Барглари ҳали жуда нафис бўлган мажнунтол эса баҳорнинг беозор шабадасида зулфларини силкитиб қўяди...

Бу суратга тикилиб, беихтиёр сўлим бир қишлоқда юргандай сезасиз, ўзингизни. Худди табиатда бўлгани сингари рассомлар ҳам ўз тасвирларига баҳорий гўзалликни, яшариш ва янгиланиш фаслини инъом этишган. Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган санъат фестивалида ана шундай бетакрор асарлар кўргазмага қўйилади. Бу галги "Наврўз-2006" кўргазмаси аввалгисидан фарқли ўлароқ, замонавий рассомларнинг ижод намуналаридан ташқари академия заҳирасидаги нодир асарларни ҳам ўзида жамлаган. "Баҳор" (И.Мансуров, 1988), "Наво" (А.Иқромжонов, 1989), "Осойишталик" (А.Ҳазратов, 1986) каби тасвирларни кузатаркансиз, баҳор таровати ўзига хослиги, табиат ҳамиша бирдек ўз гўзаллигини инъом этаверишига яна бир бор амин бўласиз.

Фестивалнинг очилиш маросимида қатнашган рассомлар барчани Навбаҳор ва Наврўз айёми билан муборакбод этдилар. Тошкент давлат санъат институти талабаларининг чиқишлари эса йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Кўргазма

Кўргазмадан жой олган Ортиқали Қозоқов, Евгений Мельников, Анвар Мирсоатов, Жавлон Умарбековларнинг асарлари кишида илиқ таассурот қолдиради. Хусусан, А. Мирсоатовнинг "Баҳор", "Чорбоғ баҳори", "Анҳор атрофларида", "Қирғоқ" каби асарларида баҳор фасли юксак дид ва моҳирлик ила тасвирланган бўлса, Мельников ижодида ёрқин ва мовий ранглар кенг қўлланилган. Бу ранглар эса тасвирларга "жон" бағишлайди.

Шунингдек, кўргазмага А.Нур, В.Чуб, Ж.Усмонов, Г.Зильберман, Р.Чориев, Х.Санаев ва бошқаларнинг асарлари ҳам қўйилган. Айниқса, Зильберманнинг "Кутиш" картинаси хотирада муҳрланиб қолади. Қишнинг изғиринидан чарчаган қишлоқ баҳорни кутмоқда. Асар ҳар йили баҳорга етиб олгач, биринчи бойчечакни кўзларига суриб, ардоқлагувчи момоларни кўз ўнгингизда гавдалантиради. Баҳорни, табиатни шунчаки севиш эмас, уни эъзозлаш, асраб-авайлашга ундайди...

Гўзаллик шайдоларига аталган "Наврўз-2006" кўргазмаси 6 апрелга қадар намойиш этилади.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи"мухбири.

Беҳбудий – ҳамиша қалбимизда

Самарқанддаги вилоят халқ таълими педагогларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти буюк маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан аталади. Институт раҳбарияти ташаббуси билан мазкур даргоҳ ҳовлисида бобокалонимиз Беҳбудийнинг бюсти ўрнатилди.

Ёдгорликнинг очилиш маросимида шаҳар жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар иштирок этди. Унда ёзувчи Нусрат Раҳмат, институт ректори Азиз Аминов, алломанинг эвараси Шоҳруҳ Беҳбудий ва бошқалар сўзга чиқиб, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърифат ва педагогика соҳасидаги катта хизматлари ҳақида гапиришди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт оламида

Олма семиришдан сақлайди

Японялик олимлар ўтказган илмий изланишлар натижалари мунтазам олма истеъмол қилиш семиришдан сақлашини кўрсатди, деб ёзади «Медновости, ру» интернет сайти.

Маълумотларга қараганда, агар олма овқатдан олдин ейилса, бу қондаги ёғ миқдорини 20 фоизга камайтирар экан. Олимлар тадқиқотларда иштирок этаётганларга 600 миллиграмм олма полифенолини беришган. Бундай миқдордаги полифенол 3 та олма таркибида бўлади. Овқатдан кейинги таҳлиллар олма истеъмол қилганларнинг қонида ёғ миқдори олма емаганларникидан 20 фоизга кам эканини кўрсатган.

Хавфли хасталик хуружи

Таиланднинг шимолида жойлашган Нан музофотида 143 киши ботулизм билан касалланди, деб хабар беради «РИА Новости» ахборот агентлиги.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш миллий департаменти раҳбари Тават Сунтарачарннинг айтишича, ушбу хавфли касаллик музофотда шу ойнинг бошида қайд этилган.

Тиббиёт ходимларининг маълумотига қараганда, айни пайтда 30 нафар бемор шифохонада оғир аҳволда ётибди. Таиландлик тиббиётчилар халқаро мутахассисларга ёрдам сўраб мурожаат қилишган. Ҳозир касаллик оқибатларини бартараф этиш учун чет эллик экспертлар жалб қилинди.

Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Қариндошга қиз берманг

Тошкент давлат юридик институтида республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Баркамол соғлом авлод — жамиятимизнинг асосий таянчи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни мазкур институтнинг маънавият ишлари бўйича проректори Д. Аҳмедов очди. Шундан сўнг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ҳукумат қарорлари ва бу борада хотин-қизлар қўмитаси олиб бораётган фаолият борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Л. Ғамирова, никоҳ қурувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиш моҳияти мавзусида республика Репродуктив ва саломатлик маркази директори Д. Ҳасанова, Болалар ногиронлигининг олдини олиш масалалари бўйича «Она ва бола» скрининг маркази директор ўринбосари В. Соҳибхоновнинг маърузалари тингланди. Шунингдек, тадбир давомида қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари акс эттирилган «Қуёшга интилиб» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Пировардида эса талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олдилар.

М. МАМАСОЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси.

*«Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компаниясининг **Автомобиль йўллари бирлашган дирекциясининг касаба уюшмаси қўмитаси** тугатилиши муносабати билан барча даъволар тугатиш комиссияси томонидан эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади. ОКПО коди 14983348.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 68-«А», тел/факс: 136-06-53,

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
ADI International
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах
DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS
ул. Дружбы народов, 44.
Тел. 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ № 000390 (проектирование).

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ
ҚУЙИДАГИ КИМЁВИЙ РЕАГЕНТИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН 02/06-СОНЛИ ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
ЦИКЛОГЕКСАН
ГОСТ 14198-78
(ОЛИЙ НАВ) — 800 ТОННА.
ТЕНДЕР МУДДАТИ — ЭЪЛОН МАТБУОТДА ЧОП ЭТИЛГАНДАН БОШЛАБ 30 КУН.
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Шўртан газ-кимё мажмуаси, 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қишлоғи.
Тел.: (998 75) 221-00-19.
Факс: (998 75) 221-09-04.
Электрон почта: shghk@uzpak.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

HYUNDAI Official Partner
«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибьютор HYUNDAI MOTOR COMPANY
Трансмиссия — 5 ступ. мех. КПП; цвет металлик — устричный голубой, антиблокировочная система тормозов, подушки безопасности — 2 шт., люк на крыше, дуги на крыше под багажник, брызговики передние + задние, передние противотуманные фары, кожаный обод рулевого колеса и рукоятки КПП, обогрев передних сидений, безключевой вход и сигнализация, система врезного замка, элек. обогреваемые внешние зеркала, кондиционер ручной настройки, воздушный фильтр, автоматический чейнджер CD на 8 дисков, антенна.
В РАССРОЧКУ
«SANTA FE GLS» — двигатель 2 400 см³ бензин 4WD
Цена – 57 030 930 сум.
Цена – 52 990 000 сум.
Товар сертифицирован
ПРЕДСТАВЛЯЕТ: Sonata NF, Elantra XG, Tucson, Santa Fe, Terracan, Coupe, Matrix, H-1 (Starex)
г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24. Тел./факс (998-71) 152-17-25.
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Шаҳар марказида жойлашган
«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ
қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.
Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.
Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 98-«А» уй.
Тел.: 144-26-22, 395-81-23.
Мўлжал: Киночилар уйи.

*Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети қошидаги лицейга 1999 йил 5 октябрда берилган 11-014311 FN 016858-сонли «Фирмали ном тўғрисидаги гувоҳнома» ҳамда 1999 йил 26 октябрда берилган реестр сони 11-01033-рақамли «Рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги давлат далолатнома»си йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.***

«ГРАНА» Алтай - Россия
УН барча навлари
ЁРМАЛАР
Энди Ўзбекистонда ҳам
Ун о/н 50 кг, Ун 1-нав Ёрмалар
«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифати кафолати ва Россия бағрикенглиги
Грана
УЛГУРЖИ САВДО
Маҳсулот сертификатланган
Тошкент ш., «Архитекторлар» кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел.103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ
АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ВА ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
автомобиль транспортига оид конунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИнинг
www.uzaart.uz веб сайтига ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:
- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.
- Тошкент вилояти бўлими: Тошкент ш., «Олмалиқ ҳалқа» к., 1-уй, тел: 98-39-86.
- Сирдарё вилояти бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.
- Жиззах вилояти бўлими: Жиззах ш., «Тошкент» к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.
- Андижон вилояти бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.
- Фарғона вилояти бўлими: Фарғона ш., ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.
- Наманган вилояти бўлими: Наманган ш., Н.Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.
- Самарқанд вилояти бўлими: Самарқанд ш., А. Темур к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.
- Навоий вилояти бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.
- Бухоро вилояти бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.
- Қашқадарё вилояти бўлими: Қарши ш., «Ғузор» к., 12-уй, тел: 7-00-72.
- Сурхондарё вилояти бўлими: Термиз ш., М. Қошғарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.
- Хоразм вилояти бўлими: Урганч ш., «Хонқа» к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази жамоаси нашриёт Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат авиация институти жамоаси лаборатория мудири
Нурали ЮЛДАШЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси академиянинг Электрон ахборот маркази бошлиғи Акмал Усмоновга укаси
Сандаброл УСМОНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти жамоаси Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти етакчи илмий муҳаррири Носир Муталовга акаси
Тўлқин МАННОПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси» унитар корхонаси жамоаси «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» АК бош директори ўринбосари Эшназар Соатовга падари бузруквори
АБДУРАИМ ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевга падари бузруквори
МУТАЛИБЖОН ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи жамоаси ўқув ишлари бўйича директор муовини Наврўз Боймирзаевга акаси
Холмамат БОЙМИРЗАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово
Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5